

ЎзССР СОРЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА САНИТАРИЯ МАОРИФИ УЙИ

А. О. ОБИДОВ, Ш. Х. ЁҚУБОВ, У. О. БАҲОДИРОВА

ЎТКИР ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ

Тошкент
ЎзССР «Медицина»
1988

Касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар пайдо қиласидан касалликлар юқумли касалликлар деб аталади. Улар одамдан-одамга юқиши, кўп кишиларни заарлаши билан бошқа касалликлардан фарқ қиласиди.

Ҳар бир юқумли касалликнинг ўз қўзғатувчиси бўлади. Масалан, қорин тифини шу касаллик бактерияси, тоунни тоун қўзғатувчиси, дизентерияни дизентерия таёқчаси қўзғатади ва ҳоказо.

Юқумли касалликларга қарши курашиб медицина ходимлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Барча юқумли касалликлар орасида ўткир ичак касалликлари қўпроқ учрайди, айниқса дизентерия муҳим ўрин тутади. Уткир ичак касалликлари дунёда йилига деярли 5 миллион боланииг ўлимига сабаб бўлади.

Ўткир ичак касалликларига қарши курашиб маълум ютуқларга эришилган бўлса ҳам, улар ҳамон кўп учрамоқда, оқибатда мамлакатимизга анчагина иқтисодий зарар келтирмоқда.

Ўткир ичак касалликлари группасига бактериал дизентерия, сальмонеллэз, овқатдан бактериал заҳарланиш (стафилококк қўзғатган заҳарланиш, ботулизм ва бошқалар), амёбиаз ва бошқа протозой ичак касалликлари, бошқа қўзғатувчилар (касаллик қўзғатувчи ичак таёқчалари, аризон, цитробактерия, протейлар, энтеровируслар) келтириб чиқарган энтеритлар киради. Бундан ташқари, кейинги йилларда ўткир ичак касалликларини кампилобактериялар ҳам қўзғатиши аниқланди.

Турли биологик турларга мансуб қўзғатувчилар келтириб чиқарадиган бундай жуда кўп юқумли касалликлар нималар асосида бир группага бирлаштирилади? Бунда аввало қўзғатувчиларнинг ичақда жойлашишига, сўнгра касаллик юқиш механизмининг бир хиллигига эътибор берилади.

Бемор ёки микроб ташувчи организмидан чиқадиган касаллик қўзғатувчилари табиийки, унинг атрофидаги ташқи муҳитга (тупроқка, тувакка ва бошқаларга) тушади ва овқат ёки ичимлик сув билан соғлом одам организмига ўтади. Қўзғатувчиларнинг бир организмдан бошқасига ўтишига имкон берадиган ташқи муҳит элементлари медицинада инфекцияни ўтказувчи омиллар, тегишли касалдикни тарқатадиган бу омиллар мажмуи эса инфекцияни ўтказувчи йўллар деб аталади.

Эпидемиологик процесснинг ривожланишида қайси омил етакчи роль ўйнашига қараб, ичак инфекцияси асосан учта йўл орқали: сув, озиқ-овқат маҳсулотлари ва турмушда ифлос қўл, уй-рўзгор буюмлари (идиш-товорклар ва бошқалар) орқали ўтади.

Бундан ташқари, ёз-куз ойларида ичак инфекциялари тарқатишда пашша, суварак ва арилар ҳам катта роль ўйнайди.

Қўзғатувчилар соғлом одам организмига тушгач, паразитлик қилиш учун меъда-ичак

йўлининг турли бўлимларидан қулай шароит топади. Шунинг учун ичак касаллукларида овқат ҳазм қилиш системаси фаолияти бузилади, бу касалликнинг асосий белгиси ҳисобланади.

Шундай қилиб, бактериялар меъда-ичак йўлига тушганида киши ўткир ичак инфекциялари билан заарланади. Қасалликнинг дастлабки аломатлари у юққандан кейин бирмунча вақт ўтгач намоён бўлади. Бу яширин давр бир неча соатдан бир неча кунгача (2—3 соатдан 7—9 кунгача) давом этади.

Касалликнинг клиник манзараси уни келтириб чиқарган қўзгатувчига боғлиқ. **Ўткир дизентерияда** касаллик циклик равишда кечади, бир неча кундан 3 ойгача давом этади. Уткир дизентериянинг кечишида бир неча давр: яширин давр, бошланғич, авж олган, касаллик аломатларининг йўқолиб бориши ва соғайиш даврлари тафовут қилинади.

Яширин давр 12 соатдан 7 кунгача (ўрта хисобда 2—3 кун) давом этади. Бошланғич даврда киндик соҳаси бураб оғрийди, қорин дам бўлиб, қулдираиди, беморнинг ичи сувдек кетади, бадбўй бўлади. Ҳарорат бирдан кўтарилиб кетиши, эт увишиши, бош оғриши мумкин, бу аломатлар грипп ёки терлама касаллигини ҳам эслатади.

Касаллик авж олганда нерв, юрак-томир системалари ва меъда-ичак йўли заарланади. Бош оғриб, уйқу ва иштаҳа бузилади, қорин соҳаси оғрийди, беморнинг дармони қурийди, кўнгли айнайди, кучанади. Тана ҳарорати субфебрилдан 40—4°C гача кўтарилиши, қорин тутиб-тутиб, қаттиқ оғриши мумкин.

Кекса кишиларда коллапс ҳодисаси кузатилиши, баъзан у ўлимга олиб бориши мумкин. Беморнинг иштаҳаси пасаяди ёки йўқолади, кўнгли ҳеч нарсани тусамайди.

Аввалига шилимшиқ аралаш тез-тез ич келиб, қорин оғрийди. Ҳар сафар ич келганида шилимшиқ кўпая боради, ахлат массаси камаяди ва шилимшиқнинг ўзи кетади, баъзан ахлатда ипир-ипир қон кўринади. Ич бўшагандан кейин бемор енгиллик сезмайди ёки бир пас-тина яхши бўлиб туради. Тез орада қорин яна тутиб-тутиб оғриб, бемор ҳожатга боришга мажбур бўлади ва ичи сувдек кетади. Кўпинча бемор тез-тез сияди ва бунда ачишиш сезади. Баъзан сийдик тутилиб қолади. Аёллар дизентерия бўлганида ҳайз цкли бузилиши, агар бемор ҳрмиладор бўлса, оғир ҳолларда боласи тушиши ёки ҳомила чала туғилиши мумкин.

Касалликнинг авж олиш даври унинг оғир-енгиллигига, беморнинг ёшига, даволаш бошланган муддатга ва бошқа омилларга қараб 1—2 кунгача давом этади.

Бемор соғая бошлаганида тана ҳарорати нормага тушади, бош оғриғи босилади, уйқу ва иштаҳа яхшиланади, қориндаги оғриқ камаяди ёки йўқолади. Ич кетиши қабзият билан алмашинади.

Сальмонеллётнинг клиник аломатлари хилма-хил бўлиб, гастроинтестиналь, терламасимон ва бошқа турлари фарқ қилинади. Сальмонеллётнинг гастроинтестиналь турида яширин давр қиска — 6 соатдан 24 соатгача давом этади. Баъзи беморларда бу давр 6 соатдан кам бўлиши мумкин ёки аксинча, 2—3 суткага чўзилади.

Касалликнинг бошқа тури — овқатдан захарланиш 80—90 % ҳолларда учрайди. Бирданига кўп одам захарланиши ёки бу бир-икки кишида учраши мумкин. Бунда захарланиш аломатлари зўрайди ва меъда-ичак йўли заарланади.

Гастроэнтерологик тур ўткир, шиддатли ва камдан-кам ҳолларда аста-секин бошланади. Беморнинг бирдан эти увишиб, тинкаси қурий бошлайди, боши оғрийди, боши айланади, юрак уриши тезлашади, ҳарорати 38—39°C гача, баъзан эса бундан ҳам юқори кўтарилиб кетади. Баъзи беморларнинг мускуллари оғрийди. Бу аломатлар 1—2 сутка давомида росмана намоён бўлади. Беморнинг одатда ранги синиқкан бўлади, лекин юзи қизариши (гиперемия) ҳам мумкин. Айни пайтда ёки бир неча соатдан кейин меъда-ичак йўлининг заарланганини билдирадиган аломатлар бошланади: bemorning қорни оғрийди, кўнгли айнайди, қайт қиласи ва ичи кетади.

Оғриқ асосан киндик атрофида бўлади, лекин у бутун қоринга тарқалиши ҳам мумкин.

Оғриқ одатда қаттиқ, доимий бўлади ёки тутиб-тутиб туради.

Бемор қорни оғриётганида ёки бирмунча кейинрөк кўнгли айнайди ва қайт қиласди. Бемор жуда кўп, аксарият дам-бадам қусади, аввалига овқат массаси, кейин эса яшил рангли қуруқ сув келади. Шундан сўнг bemor ўзини енгил ҳис қиласди. Бу диагноз кўйиш жиҳатидан аҳамиятга эга, чунки, масалан, дизентерияда қайт қилиш bemornинг аҳволини енгиллаштиrmайди, аксинча оғирлаштиради.

Бемор қайт қилганидан кейин ичи сура бошлайди, жуда кўп, суткада 10—15 мартагача ичи кетади. Аввал ичи жуда сассиқ қиласди, кейин шилимшиқли, сувдек бўлиб кетади. Бунда қорин дам бўлиб қулдираиди ва оғрийди. Ич келгандан кейин қоринда оғриқ камаяди, кучаниқ ва сохта ич қисташи кузатилмайди.

Захарланиш ва диспептик аломатлар bemornинг тин-касини қуритиб қўяди. Унинг ранги оқариб, дармони қолмайди. 1—3 кундан кейин умумий заҳарланиш аломатлари камайиб, кейин аста йўқолади, қайт қилиш, қорин оғриғи ва ич кетиши тўхтайди ва 5—7-куни одатда bemor соғаяди.

Сальмонеллёз енгил кечганда касалликнинг ҳамма аломатлари унчалик намоён бўлмайди ва 1—3 кундан кейин йўқолиб кетади.

Болаларда сальмонеллёз кўпинча жуда оғир ўтади, баъзан ўлимга сабаб бўлади. Шунинг учун касалликнинг биринчи аломатлари намоён бўлиши биланоқ уни врачга кўрсатиш керак.

Овқат билан организмга жуда кўп тирик микроблар тушганида **бактериал заҳарланиш** рўй беради, уни асосан шартли патоген ичак микроблари (сальмонеллалар, кампилобактериялар) кўзғатади.

Овқатдан бактериал заҳарланганда касаллик тўсатдан бошланиб, кенг тарқалади, қисқа муддат кечади ва тез бартараф бўлади. Касаллик кўпинча ёзда кузатилади.

Овқатдан бактериал заҳарланганда эт увишади, bemornинг ҳоли қурийди, титраб-қақшайди, ҳарорати кў-тарилади, боши оғрийди ва ўткир гастроэнтерит аломатлари пайдо бўлади (қорин оғрийди, кўнгил айнайди, қайт қиласди ва ич кетади).

Овқатдан бактериал заҳарланишлар шартли равишида икки группага бўлинади:

— одамнинг меъда-ичак йўлига жуда кўп тирик бактериялар (сальмонеллалар, ичак таёқчаси, протей, энтерококклар, спора ҳосил қилувчи бактериялар ва бошқалар) ва уларнинг овқатда йиғилиб қолган заҳарли моддалари тушиши натижасида келиб чиқади. Бу ҳол айниқса ёз фаслида туриб қолган эски овқат еганда рўй беради;

— бактериотоксикозлар, буни стафилококклар, озиқ-овқат маҳсулотларидағи ботулизм кўзғатувчиларининг бактерия заҳарлари кўзғатади.

Асосан ёш болаларда эшериҳий (ичак таёқчаси)нинг энтеропатоген серотипи ва бошқа шартли патоген бактериялар (цитробактериялар, Серрация ва бошқалар) кўзғатадиган **ичакнинг ўткир юқумли касалликлари** узоқ ёки қисқа муддат кечади, бунда токсикоз, меъда-ичак йўли функциясининг аксари гастроэнтерит сифатида бузилиши кузатилади.

Яширин давр ўртacha 4—8 кун, кўпинча 1—3 кундан 3 ҳафтагача давом этади, бу bemor организмининг чидами, ёши, микробларнинг интенсивлиги, сони ва вирулентлиги (кучи)га боғлиқ.

Ўткир ичак касалликлари клиник жиҳатдан меъда-ичак йўли функциясининг бузилиши ва умумий интоксикация ҳодисаси билан ҳарактерланади. Токсик аломатлар узоқ муддат шиддатли кечиб, баъзи ҳолларда ўлим билан тугайди.

Ўткир ичак касалликлари ўткир ёки аста-секин бошланиши мумкин. Ўткир бошланганда ҳарорат 38°C гача ва ундан юқори кўтарилиб, bemor қайта-қайта қусади, кунига 8—10 мартагача шилимшиқли қўм-кўк суюқ ичи кетади, иштаҳаси йўқолади, озиқ кетади, ухлай олмайди, тинка-мадори қурийди. Касаллик аста-секин бошланганда ҳарорат нормал ёки субфебриль бўлиб, уму-мий аҳвол ўзгармайди, bemornинг кунига 2—3 марта ичи (бўтқасимон

ёки суюқроқ) келади. Камдан-кам беморлар олдин бир марта қайт қилиши мумкин.

Ўткир ичак касаллигининг бошида меъда-ичак йўли функциясининг бузилиши ҳамма вақт ҳам дарҳол намоён бўлмайди. Беморларда кўпинча юқори нафас йўлларининг яллиғланиши кузатилиб, бу бактериал вирусли инфекциянинг аралашиб кетиши оқибатида рўй беради.

Шартли патоген бактериялар қўзғатган ўткир ичак касалликларининг субтоксик ва токсик турлари, шунингдек енгил ва сурункасига давом этадиган турлари билан оғриган беморларнинг ҳаммасида меъда-ичак фаолияти бузилади, улар қайт қилади. У одатда касалланишининг биринчи соатларида ич кетиши билан бирга, камдан-кам ундан олдин рўй беради. Касалликнинг оғир-енгиллигига қараб қайт қилиш ё тўхтайди (енгил турларида 2—3-куни) ёки орадан қисқа муддат ўтгач бемор яна қайт қила бошлайди (ўртача оғир турида вақт-вақти билан), ёхуд оғир токсик турларида бир исча марта кўп қайт қилади (суткасига 10 мартадан кўп). Бемор тез-тез ўқчийверганидан безовтялана бошлайди. Касалликка динамик ичак тутилиши белгилари қўшилганда қусиши беморни жуда ҳам қийнаб юборади. Бундай ҳолларда қусуқ массасида ейилган овқат, шилимшиқ ва ахлатни эслатадиган моддалар бўлади. Касаллик жуда оғир кечганда bemor «кофс қўйқуми»га ўхшаган парса қусиши, меъдадан қон оқиши мумкин.

Ўткир ичак касалликларида куиига 4—6 дан 30—40 мартағача ич кетиши мумкин.

Касаллик енгил кечганда ахлат бўтқасимон ва озроқ микдорда шилимшиқ аралашган бўлади. Уткир ичак касаллигининг оғир турларида ахлат олдин сал суюқ, таркиби ҳар хил, шилимшиқ аралашган ва кўм-кўк бўлади. Касаллик авж олган сари беморнинг ичи сувдек шириллаб кетади, сариқ ёки кўнғир рангли бўлиб қолади. Ахлат массаси билан бирга жуда кўп микдорда сал ранги бор сув ҳам бўлади. Беморнинг ахволи яхшиланана бориши билан ва анчагина микдорда ёғ борлиги сабабли ахлат массаси бир оз қотади, ёпишқоқ ва орасида дағал нарсалар бўлади.

Ўткир ичак касалликлари 75% ҳолларда иситма билан кечади, иситма баъзи ҳолларда касалликнинг биринчи куниёқ, бошқа ҳолларда эса анча кейин аниқланади. Ҳароратнинг рўйирост намоён бўлиши, қанча давом этиши ва табиати касалликнинг оғир-енгиллиги ва турига боғлиқ. Енгил турида ҳарорат дастлабки 1—2-куnlари сал қўтарилади ($37,5-38^{\circ}\text{C}$ дан ошмайди). Ўртача оғирликдаги турларида дастлабки 2—3 кунда ҳарорат юқори ($38-39,5^{\circ}\text{C}$) бўлади, кейинчалик ҳар хил муддатда субфебриль бўлиб туради. Токсик турларда узоқ вақтгача юқори ҳарорат кузатилади. Юқори ҳарорат касалликнинг 2—3-куни субфебрилгача тушиб, кейин 4—7-куnlари яна $38-39,5^{\circ}\text{C}$ гача қўтарилади, айни вақтда беморнинг ахволи ёмонлашади.

Токсикоз ўткир ичак касалликларининг жуда хавфли аломати ҳисобланади, у одатда 4—7-куни пайдо бўлади, касаллик вирус ва бактериялар қўзғатадиган бошқа хасталиклар билан бирга келганда эса токсикоз биринчи куниёқ намоён бўлади. Бунда асосан марказий нерв системаси ва юрак-томир системаси функциялари бузилади.

Нерв системаси функционал ҳолати ўзгарганда bemor хулқ-атвори ва ташқи қиёфасида бузилишлар на-моён бўлади. Қисқа муддатли қўзғалишдан сўнг bemor дармонсизланади, бутунлай ҳолдан тояди. Афтидан, азоб чекаётганлиги кўриниб туради, агар касал бола бўлса, у бошини тутиб туролмайди, бутунлай ётиб қо-лади. Уйқусизлик бошланади, эс-хуш йўқолади. Бола тез озиб, ранги-рўйи оқариб кетади.

Бемор соғая бошлагач, организмнинг бузилган функциялари, ичак микрофлораси, овқат ҳазм қилиш процесси ва бошқа муҳим орган ҳамда системаларнинг функциялари нормаллашади.

Уткир ичак касалликлари енгил-елпи кечиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда bemорнинг иссиғи чиқмайди, шилимшиқ ва қон аралашмаган ҳолда ичи 2—3 марта суюқ келади, холос. Касаллик 2—3 кун давом этади. Айниқса ана шундай bemорлар атрофдаги кишилар учун хавфлидир, чунки улар ўзларида юқумли касаллик бор деб шубҳа қилмайдилар ва ён-

веридагиларга ҳамда яқин кишиларига касаллик юқтириб қўйишлари мумкин.

Бундай ҳолларда ўз-ўзини даволаш қатъий ман эти-лади, чунки ўзбилармонлик қилиб дори ичиш билан одам тузалмайди, балки фақат касаллик белгилари аломатлари билинмай қолади, холос. Касалликнинг бундай енгил-елпи тури кўпинча сурункали турга ўтиб кетади. Шунинг учун бундай ҳолларда тегишли ва тўғри даво олиш мақсадида албатта врачга бориш керак.

Ҳар бир поликлиникада ичак касалликлари кабинети бўлиб, бу ердан ҳамавақт ёрдам олиш мумкин.

Ҳар бир ичак касаллиги аҳоли яшайдиган пунктларда бир хил тезлиқда тарқалмайди, аҳоли ёш группаларининг касалланиши, касалликнинг мавсумга қараб кўп-оз учраши ва айниқса клиник кечиши бир хил бўлмайди.

Мазкур группага кирадиган ҳар бир касалликнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг тарқалиш қонуниятлари унга қарши курашни планлаштиришда ҳисобга олинади. Бироқ ичак касалликларига хос умумий манзаралар амалда умумий профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга имкон беради.

Озиқ-овқат корхоналарининг ходимлари орасида касалликнинг яширин кечиши жуда ҳам ҳафвлидир. Шу боисдан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган ҳамма ходимлар буни яхши тушунишлари ва ўз вақтида медицина ёр-дами олиш учун ичак касалликларининг дастлабки белгилари пайдо бўлганлигидан биринчи навбатда хабардор бўлишлари лозим.

Бу қоида бузилган ҳоллар ҳам бўладики, у баъзан йирик эпидемияга олиб келади. Лекин бу албатта камдан-кам учрайдиган ҳол. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланадиган деярли ҳамма ходимлар ўзлари хизмат кўрсатаётган одамларнинг соғлиғига жавобгар эканликларини Онгли равишда тушунишлари билан ажralиб турадилар.

Эпидемиология амалиётида касаллик манбанини аниқлашда аҳолини сўраб-суриштириш, амбулаторияда қабул қилиш йўли билан беморларни аниқлаш, ишга кираётган муайян категориядаги шахсларни бактериологик текширишда олинган далиллар асосида ҳисобга олиш ва бошқалардан фойдаланилади.

Беморларни барвақт актив аниқлашда асосий вазифа шубҳасиз медицина ходимлари, жумладан участка врачлари ва медицина ҳамширлари зиммасига тушади. Улар аҳоли ўртасида санитария-оқартув ишларини олиб борадилар. Бу борада санитария активи — жамоат санитария вакиллари ва санитария постлари катта роль ўйнайди. Санитария активи медицина ходими раҳбарлигига санитария-гигиена ва санитария-оқартув тадбирлари ўтказиш билан бирга участкада юқумли касал-ликка чалинган беморлар пайдо бўлганлиги ҳақида дарҳол хабар беради.

Дизентерия ёки бошқа ичак касалликлари кенг тарқалган пайларда касаллар кўпайиб кетган участкаларда беморларни актив аниқлаш учун медицина ходимлари санитария вакиллари, санпостлар ва бошқа санитария активлари ёрдамида ҳовлима-ҳовли айланиб чиқадилар.

Айрим ҳолларда дизентерия, колиэнтерит, сальмонеллёз, кампилобактериоз билан оғриган беморларни, агар касаллик оғир кечмаётган бўлса, эпидемиолог рухсати билан уйда даволаш мумкин.

Бундай ҳолларда (ёки касалхонага ётқизиши кечикаётганда) бемор атрофидаги кишиларга касаллик юқиб қолмаслиги учун барча тадбирлар кўрилади. Бемор алоҳида хонага, бунинг иложи бўлмагандан эса шу хонанинг бир бурчагига ётқизилади. Унинг кўрпа-тўшаги, идиштовороги, туваги алоҳида бўлади. Бемор ахлатини олдин 2—3 соат давомида дезинфекция қилимасдан туриб, ҳожатхона ёки канализацияга тўкиш мумкин эмас. Дезинфекция қилиш учун 3 % ли хлорамин эритмаси ёки 10% ли хлорли оҳак эритмаси, ё бўлмаса, қуруқ хлорли оҳак ишлатилади. Тувак яна қайнот сув билан ювилади.

Беморни парвариш қилаётган одам (яхшиси, бир киши бўлгани маъқул) унга ҳар сафар

қараганидан, қўрпа-тўшагини тузатганидан, идиш-товоғини ювганидан, хонани супуриб-сиdirганидан кейин қўлини совунлаб, чўтка билан ишқалаб ювиши зарур. Беморнинг идиш-товоғи ҳар сафар фойдаланилгандан сўнг қайнатилади ёки маҳсус ажратилган тогорада иссиқ сувда совунлаб ёки горчица эритмаси (бир ош қошиқ горчи-ца порошоги 5 л сувда эритилади) билан ювилади. Идиш-товоқлар bemор ётган хонада сакланади. Бемордан ортиб қолган овқатларни йиғиб, 1—2 чой қошиқ хлорамин порошоги билан аралаштирилади ва камида яrim соатдан кейин белгиланган жойга тўкилади. Беморнинг ич кийими, чойшаби, қўрпа ва ёстиқ жилди дезинфекцияловчи эритмага бўқтириб қўйилади, ювиб қуригандан сўнг яхшилаб дазмолланади.

Дизентерия ёки бошқа юқумли касаллуклар билан оғриган bemор касалхонага ётқизилгандан сўнг у ётган квартира ёки ётоқхона якунловчи дезинфекция қилинади, бунда буюмлар, идиш-товоқлар, чойшаб, қўрпа-ёстиқ жилдлари, bemорнинг ажратмаси юқумсизлантирилади. Бунинг учун дезинфекцияловчи эритма ёки дезинфекцион камерадан фойдаланилади.

Ўткир ичак касаллуклари билан қайта касалланган ва бошқа кишилар диспансер кузатувига олинади.

Ичак инфекцияларининг ўтиш йўлларини тўсиш учун bemор бўлган ёки у бўладиган ҳар хил муҳит омилларига таъсир этиш зарур. Bemор ахлати билан ажralган касаллик қўзғатувчилари ташқи муҳитнинг ҳар хил обьектларига: тупроққа, кейин эса оқава сув билаи сув таъминоти манбаларига ўтиб кетиши мумкин. Улар озиқ-овқат маҳсулотларига пашша, суварак, ари орқали ёки бошқа йўллар билан (ифлос идишлар, уй-рўзгор буюмлари ва бошқалар) ўтиши ҳам мумкин.

Демак, инфекция ҳар хил йўллар орқали тарқалади, уларни хилма-хил усуллар билан бартараф этиш керак бўлади. Бироқ пировердида ҳаммаси шунга ке-либ тақаладики, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам, соғлом кишилар меъда-ичак йўлига bemор ажralмалари майда заррачаларининг ҳам тушишига мутлақо йўл қўймаслик керак.

Аҳоли томонидан хўжалик-турмуш мақсадида фойдаланиладиган сув ҳарорати 8—12° С атрофида, тиник, хуштаъм, ҳидсиз, химиявий таркибиغا кўра заарсиз бўлиши керак. Ана шунда у фақат гигиеник эмас, яни вактда эпидемиологик роль ҳам ўйнайди. Сувда юқумли касаллукларнинг қўзғатувчилари ва гижжа тухумлари бўлмаслиги жуда муҳим.

Икки хил сув таъминоти (маҳаллий ва марказлаш-тирилган) мавжуд. Гигиеник жиҳатдан марказлаштирилган сув таъминоти, яни аҳолини водопровод суви билан таъминлаш катта афзалликка эга. Сувни фақат қайнатиб ичиш мумкин.

Ўткир ичак касаллукларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун эпидемияга қарши тадбирлар комплекси амалга оширилади. Бунда эпидемик жараённинг учала звеноси: а) инфекция манбаини изоляция қилиш ва тозалаш; б) инфекциянинг ўтиш йўлларини тўсиш; в) аҳолининг касаллик юқтирумаслик қобилиятини ошириш бўйича иш қўрилади.

Асосий инфекция манбаидан бири касал одам ҳисобланади. Шунинг учун ўткир ичак касаллукларининг олдини олиш ҳамма bemорлар ва бактерия ташувчиларни барвақт аниқлаш ва албатта касалхонага ётқизишдан бошланади. Касалликнинг нотипик, енгил-елпи ва аломатларсиз турларини аниқлаш, эрта диагностика қилиш, bemорларни касалхонага ётқизиш, тўғри даволаш ва уларни диспансер кузатувига олиш алоҳида аҳамият касб этади.

Касалликнинг биринчи аломатлари пайдо бўлиши биланоқ bemорнинг врачга мурожаат этиши бу жиҳатдан жуда муҳим. Бу bemорнинг ўзи учун ҳам фойдалидир, чунки касалхонада унга тўғри даво қилинади. Ҳар қандай ичак касаллигига учраган bemорга касалхонада врач назоратида маълум шарт-шароитларга риоя этган ҳолда, яни парҳез ва қатъий режим асосида даво қилинса, у соғайиб кетади.

Bemор касалхонага ётқизилганда у билан уйда, ётоқхонада ёки ишда мулокатда бўладиган кишиларга касаллик юқишининг олди олинади.

Афсуски, айрим беморлар врач рухсатисиз уйда даволанадилар, бу кўпинча оғир оқибатларга олиб келади. Бундай ҳолларда касаллик аксарият чўзилиб кетади. Тўғри ва ўз вақтида даво қилинмаган bemor ташқаридан қараганда соғлом кўринса-да, узоқ вақтгача инфекция манбаи бўлиб қолади ва атрофидагилар учун хавфли ҳисобланади. Ана шунинг учун ичак функцияси бирор сабабга кўра бузилганда ёки касалликнинг биринчи аломатлари пайдо бўлиши биланоқ поликлиникага бориш жуда муҳим.

Мамлакатимизда давлат аҳолини сув билан таъминлашни яхшилаш учун қатъий чоралар кўрмокда.

Кўйидаги шарт-шароитларга риоя қилинганда сув инфекция юқадиган омил бўлмайди:

- 1) сув оладиган жойни тўғри танлаш;
- 2) сув билан таъминлаш манбаларини ифлосланишдан сақлаш;
- 3) сувни тозалаш системаларини ташкил этиш ва уни кейинги ифлосланишдан муҳофаза қилиш;
- 4) сувнинг сифати устидан мунтазам лаборатория назорати олиб бориш.

Аҳолини сув билан таъминлашнинг яхшиланиши ичак касалликларининг мунтазам камайиб боришига имкон беради. Ичак инфекциялари юқишидан сақланиш учун очиқ сув ҳавзалари сувини қайнатиб ичиш лозим. Сув ҳавзаларининг оқова сувлар келиб қўйиладиган жойлари яқинида чўмилишни тақиқлаб қўйиш керак. Қасаллик озиқ-овқат маҳсулотлари фақат bemor нажаси заррачалари билан ифлосланганда эмас, балки озиқ-овқатни сақлаш қоидалари бузилиши туфайли баъзи таомларда микроблар қўпайганда ҳам тарқалади, буни унутмаслик керак. Бундан ташқари, ҳайвон касал бўлса, ундан олинадиган маҳсулотларда инфекция бўлиши эҳтимоли эътиборга олинади.

Ҳар қандай шароитда ҳам маҳсулотларни ифлосла-нишдан сақлаш учун қатъий чоралар кўриш зарур. Озиқ-овқат саноати корхоналарида санитария режимига шай қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Умумий овқатланиш корхоналари учун ишлаб чиқилган санитария қоидалари овқатга маҳсулот тайёрлайдиган цехларга муайян талаблар қўяди.

Уйда овқат тайёрлашда озодаликка риоя қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Маҳсулотларни тозалашдан олдин ва ҳар бир алоҳида жараёндан кейин қўлни албатта тозалаб ювиш керак, шунда микроблар хом маҳсулотлар ва ярим фабрикатлардан тайёр маҳсулотларга ўтмайди. Хом ва пишган маҳсулот учун алоҳида пичноқ ва тахтacha тутиш, олдиндан тайёрлаб қўйилган овқатни совукда, холодильнике сақлаш жуда муҳим ва шунда ўзингизни ичак касалликларидан химоя қилган бўласиз.

Ҳозирги шароитда ичак касалликларининг олдини олишда инфекциянинг турмуш йўли билан тарқалишини бартараф этиш тадбирлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Инфекциянинг бу йўл билан ўтиши кўпгина санитария-гигиена омиллари, жумладан турар жой шароитлари, умумий ва санитария маданияти даражаси ҳамда бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Ҳар бир киши ҳар қандай шароитда ҳам оддий гигиена қоидаларига амал қилиши керак. Бу инсондан жуда кўп нарсани талаб этмайди. Бирор юмуш қилгандаи, хоналарни супуриб-сидириб чиққандан, ҳожатхонага боргандан кейин, овқатланишдан олдин қўл тозалаб ювилса, бас. Айниқса болалар хоҳ уйда, хоҳ бошқа жойда бўлсин, овқатланишдан олдин қўлни ювишга одатланишлари керак.

Ичак инфекциялари тарқалмаслиги учун одамлар турмушда озодаликка пухта риоя қилишлари маълум аҳамиятга эга. Турмушда гигиена талабларини бажармаслик, кўпчилик фойдаланадиган жойларни антисанитерия ҳолатида тутиш, пашша кўпайиб кетиши—буларнинг ҳаммаси юқумли касалликнинг турмуш йўли билан ўтишини осонлаштиради, буни ҳамма билиши керак. Пащшадан ташқари суварак ва арилар ҳам ичак инфекцияларини тарқатишини унутмаслик лозим.

Пащшага қарши кураш ичак касалликларининг олдини олишдаги муҳим тадбирлардан бири

ҳисобланади. Аҳоли пунктлари, туарар жой биноларида пашша бўлиши територияни тозалаш яхши ташкил этилмаганлиги, турмуш маданияти пастилигидан далолат беради. Пашшаларнинг тухумдан чиқиб то вояга етгунигача ўтадиган ривожланиш цикли тупроқнинг ифлосланиши билан боғланган. Шунинг учун пашшага қарши кураш тадбирлари албатта аҳолий яшайдиган жойларни ободонлаштириш планига киритилади. Пашша қўпаймаслиги учун хоналар ҳамда туарар жой, ишлаб чиқариш ва жамоат бинолари тсрриторияларини доимо тоза тутиш, чиқиндиларни йиғиб, олиб кетиш, юқумсизлантириш ва утилизация қилишии тўғри ташкил этиш зарур.

Ўткир ичак касалликларининг қўзғатувчилари беморнинг ички кийимлари, ҳожатхона деворлари ва бемор ифлос қўли билан ушлаган бошқа ҳар қандай буюмларга тушиб қолиши мумкин. Соғлом одам ана шу буюмларни ушлаганда эса микроблар унинг қўлига ўтади. Агар ана шу одам овқат ейишдан олдин қўлини совунлаб ювмаса, бактериялар овқат билан унинг оғзига тушади. Шунинг учун қўли кир-чир бўлиб юрадиган кишилар ўткир ичак инфекциялари билан оғриб қолиши мумкин.

Нима учун қўлни албатта совунлаб ювиш керак? Гап шундаки, қўл терисидан озгина микдорда ёғ ажралиб туради. Микроблар ёғ билан араласиб, терига маҳкам ёпишиб олади ва қўлни совук сув билан ювганда тушиб кетмайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, қўлни совук водопровод сувида 45 минут давомида ювгандагина микроблар бутунлай ювилиб кетар экан. Ҳеч ким қўлини шунча вақт ювмаслиги маълум. Шунинг учун айниқса ҳожатхонадан чиққандан кейин қўлни албатта совунлаб ювиш керак.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдик, қўл терисида микробларни ўлдириш ва ўз-ўзидан тозаланиш хусусияти бўлар экан. Лекин бундай хусусият факат тоза қўлдагина бўлади. Агар қўл кпр бўлса, терига тушган микробларнинг нобуд бўлинш у ёқда турсип, аксинча улар қўпайиб кетади. Ана шунинг учун қўлни ҳар доим тоза тутиш керак.

Эмизикли оналар кўкрак учини, боланинг қўли тегадиган ўйинчоқлар ва бошқа буюмларни ҳам тоза тутишлари лозим, акс ҳолда микроблар қўлдан кейинчалик оғизга тушади.

Сабзавот ва меваларни ейишдан олдин тоза сувда яхшилаб ювиб, кейин иссиқ сув билан чайиш лозим.

Пашша, суварак, ари каби ҳашаротлар соғлиғингизга заарар етказади. Ҳовлиларга қурилган ҳожатхоналарда қанчадан-қанча пашша борлигини кўргансиз, албатта. Пашша, суварак, ариларнинг танаси ва айниқса панжаларида жуда кўп тукчалари бўлади. Ана шу тукчаларга илашган чиқиндиларда ўткир ичак касалликларининг микроблари бўлиши мумкин.

Ҳожатхонадаги пашшалар уйга учиб кириб, сут, қанд, нон, овқатларга қўнади ва уларда касаллик қўзғатувчиларини қолдиради. Бу қўзғатувчилар айниқса сутда жуда тез қўпая бошлайди.

Битта пашша ичагида 28 млн гача, танасида эса 5 млн гача микроб бўлиши мумкин. Шунинг учун пашшага қарши кураш юқумли ичак касалликларига қарши кураш демакдир.

Аҳолини ичак касалликларига қарши эмлаш йўли билан ҳам бу касалликларнинг олди олиниади.

Шундай қилиб, ўткир ичак касалликларининг олдини олиш учун қуйидагиларга риоя қилиш зарур:

1. Овқат ейишдан олдин қўлни совунлаб ювиш.
2. Сабзавот ва меваларни ейишдан олдин водопровод сувида ювиб, кейин иссиқ сув билан чайиш.
3. Пашша, суварак ва ариларни мунтазам йўқ қилиш.
4. Ҳар доим тоза сув ишлатиш.
5. Ахлатни ҳар доим ўз вақтида олиб кетиш.
6. Ҳар 2—3 кунда кир ўраларни, ҳожатхона ва бошқа жойларни дезинфекцияловчи

воситалар билан заарсизлантириб туриш.

7. Аҳоли, ўқувчилар ўртасида, болалар уйлари, лагерлар, уюшган болалар муассасаларида айниқса баҳор-ёз ойларида мунтазам тарзда санитария-оқартув ишлари олиб бориш.

8. Организмнинг иммунологик ҳолатини нормал тутиш (асабни эҳтиёт қилиш, оч юрмаслик ёки жуда кўп овқат емаслик ва ҳоказо).

9. Эпидемик кўрсатмаларга мувофиқ ичак инфекцияларига қарши эмлаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маслаҳатларга тўла риоя қиласангиз, юқумли ичак касалликларига чалинмайсиз.